

ZUR № 2

ZEF/UNESCO Rivojlanishlari*

Май 2008

ZEF/UNESCO лойиҳасининг Хоразм вилоятида ер ва сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш бўйича илмий ишланмаси

Оқимга қарши ҳаракат қилиш:
Ўзбекистонда қандай қилиб пахта қўшимча қиймати занжири камроқ ҳаражат қилган ҳолда кўпроқ даромад келтириши мумкин

Қисқача тавсиф

Ушбу илмий ишда Ўзбекистон учун асосий иқтисодий аҳамиятга эга бўлган пахта ўсимлигидан тайёрланадиган қўшимча қийматли молларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш орқали ўзаро фойда келтирадиган иқтисодий ва экологик ечимлар кўрсатилган

Пахта сектори

Ўзбекистонда пахта жуда катта ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга. Пахта чет эл валютасидаги даромадлар ва ялпи ички маҳсулотнинг катта қисмини ташкил қилибгина қолмай, балки қишлоқ аҳолисининг катта фоизини иш ва даромад билан ҳам таъминлайди. Шу билан бирга, сўнгги ўн йилликлар давомида етиштирилаётган пахта маҳсулоти саноқсиз экологик ва ижтимоий оқибатларга, шу жумладан Орол денгизининг қуришига, сув ресурсларининг минераллашиши ва тупроқнинг шўрланишига, ҳамда ҳаво ва сувнинг ифлосланиши туфайли юзага келган соғлиқ муаммоларига олиб келди.

Ўзбекистонда пахта етиштирилиши давом қилинса, мамлакат барқарор ривожланиши учун уни ишлаб чиқаришнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик самарадорлигини ошириш йўллари топиш муҳимдир. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон етакчи пахта экспорт қилувчи давлат ҳисобланади, шу билан бир вақтда пахтадан тайёрланадиган қўшимча қийматли молларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ўтиш мамлакатнинг ташқи бозорларга тобелигини пасайтиришга, иқтисодий ўсишни кучайтиришга ва энг ночор қишлоқ ҳудудларида янги иш жойларини яратишга имкон бериши мумкин.

Қўшимча қиймат занжирини таҳлил қилишга асосланган сценарийлар

Ўзбекистонда пахтадан тайёрланадиган қўшимча қийматли молларни ишлаб чиқаришга ўтиш орқали кўрилиши мумкин бўлган иқтисодий, ижтимоий ва экологик манфаатларни тадқиқ қилиш учун ZEF/UNESCO лойиҳасида фаолият кўрсатаётган иқтисодчилар Хоразм вилоятида қўшимча қиймат занжири таҳлиliga асосланган ёндашувдан фойдаландилар. Бундай ёндашув ўз ичида умумий пахта ишлаб чиқариш ҳажминини қисқартириши мумкин бўлган бирталай сценарийларни мужассамлаштирган, бунда ўзаро фойда келтирадиган сценарий алоҳида кўриб чиқилди: ресурслардан самарали фойдаланиш орқали ишлаб чиқаришни иқтисодий барқарорлигини ошириш билан бирга ҳам давлат, ҳам фермерлар учун даромадни сақлаб қолиш. Асосий натижалар шуни кўрсатдики, умумий пахта майдонини қисқартириш билан бир вақтда ҳозирги пахтадан тушаётган даромадни сақлаб қолиш мумкин. Кейинчалик пахта етиштиришдан бўшатиш ерлар альтернатив экинларни етиштириш учун ёки бошқа мақсадларда фойдаланиши мумкин.

Пахта толаси кўпроқ қайта ишлаш босқичларидан ўтиб боришига қараб, унинг қўшимча қиймати ишлаб чиқарувчидан якуний истеъмолчи томон занжир бўйлаб силжиган сари ортиб бораверади (расм). Натижада, ҳудуд ичида қанчалик кўп ишлаб чиқариш босқичлари бажарилса, шунчалик катта даромад олиш мумкин бўлади. Янада барқарор бўлган шароитда даромаднинг ошишига олиб келиши мумкин бўлган турли ишлаб чиқариш стратегияларини ўрганиш мақсадида экспортдан тушадиган умумий даромаднинг қисқармаслигини таъминлай оладиган иқтисодий ва экологик жиҳатдан энг фойдали ўзгаришларни тадқиқ қилиш учун бирталай сценарийлар синалди. Ҳамма сценарийларда экспортдан келадиган даромад 2005 йил даражасида (~ 87,6 млн. АҚШ доллари) сақланиб қолади деб эҳтимол қилинган.

Бу тадқиқот натижалари (қуйидаги жадвалда умумлаштириб берилган)



German Ministry
for Education
and Research (BMBF)



Zentrum für Entwicklungsforschung
Center for Development Research
University of Bonn



United Nations
Educational, Scientific and
Cultural Organization





Расм 1: Ўзбекистонда қўшимча қийматли моллар мисоли: экспорт учун гигроскопик пахта ва пахтадан йиғирилган ип

шуни кўрсатдики, маҳаллий тўқимачилик корхоналарини пахта толасидан йиғирилган ип тайёрлашга жалб қилиш натижасида пахта майдонларини 30 минг гектарга (ёки ҳозирги майдоннинг тахминан 27 фоизига) қисқартириш, 228 млн. м³ суғориш сувини тежаш ва бевосита субсидияларни деярли 6 млн. АҚШ доллар миқдорида камайтириш шароитида худди шундай миқдордаги ҳудудий экспорт даромадини олиш мумкин. Шунга ўхшаб, Хоразмда пахта толаси чуқурроқ қайта ишлаш ва ундан тайёр кийимларни тайёрлаш ҳисобига тола ишлаб чиқаришни учдан икки қисмга қисқартириши мумкин бўлиб, бу 76 минг гектар ерни (ҳозирги майдоннинг 69 фоизи) бўшатиш, 567 млн. м³ суғориш сувини тежаш ва субсидияларга бўлган зарурат 14 млн.

АҚШ доллари ҳажмига қисқартиришга имкон беради. Қўшимча натижалар кўрсатишича, тола ажратиш тармоғини бошқаришни яхшилаш пахта майдонини 18 минг гектарга қисқартириш, тахминан 136 млн. м³ суғориш сувини тежаш ва субсидияларга бўлган эҳтиёжни 3 млн. АҚШ доллари ҳажмида камайтириш имкониятини беради. Шунингдек, тола ажратиш самарадорлигини атиги 3 фоизга ошириш ёрдамида пахта толаси ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва экспорт даромадининг бошланғич даражасини сақлаб туриш билан бир вақтда чигитли пахтани камайтириш (23 минг гектарга), суғориш сувини тежаш (193 млн. м³ га) ва пахта етиштириш учун субсидияларни қисқартириш (4 млн. АҚШ доллари ҳажмида) мумкин.

Кўп манфаатларга эришиш: ижобий «домино» таъсири

Кейинги 3 йил давомида мамлакатимизда пахта толасини қайта ишлаш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор қарорлари қабул қилинган ("Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига сотишни такомиллаштириш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 21 ноябрдаги ПҚ-733-сон қарори; "Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида" 2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сон қарори). Пахта қўшимча қиймат занжирини шакллантириш, такомиллаштириш ва тартибга солиш (бунда ўзаро мувофиқлаштиришни яхшилаш назарда тутилади) чигитли пахта ишлаб чиқариш, пахта далалари ва суғориш сувининг қисқартирилишига ва, демак, пахта ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, самарали ишлаб чиқариш ҳозирги экспорт тушумларини сақлаб қолиш шароитида давлатнинг пахта учун субсидиялар кўринишида қилган

ҳаражатларини қисқартиришга имкон беради. Ҳудуднинг умумий иқтисодий ва экологик эҳтиёжлари яроқли ерларда чигитли пахта етиштиришни кучайтириш ҳамда камҳосил ва, демак, яроқсиз ерларни альтернатив фойдаланиш учун бўшатилиши шароитида қондирилиши мумкин. Дарахтзорлар, аквамаданият ёки яйловлар каби камроқ интенсив ва арзонроқ ердан фойдаланиш тизимларини яратиш янада барқарор даромад, алтернатив ёқилғи турлари ва мол учун ем таъминлаш билан бирга шу ҳудуддаги экологияни яхшилашга ёрдам бериши мумкин. Хуллас, бундай комплекс ёндашиш

	Талаб килинган чигитли пахта, минг т	Талаб килинган пахта майдони, минг га	Пахта майдони қисқариши, %	Дала миқёсида суғориш суви, млн. м ³	Қишлоқ хўжалиги учун бевосита субсидиялар, млн. АҚШ долл.
Бошланғич даража (2005 й.)	287	110	0	824	20
100% тола экспорти	239	92	17	688	17
Тола ажратиш маҳсулдорлигининг ошиши	219	84	23	631	16
Йиғирилган ип экспорти	207	79	28	596	14
Газламалар экспорти	173	67	39	499	12
Футболкалар экспорти	89	34	69	257	6

Расм 2: Ўзбекистонда қўшимча қийматли моллар мисоли: экспорт учун гигроскопик пахта ва пахтадан йиғирилган ип пахтадан йиғирилган ип

ҳудуддаги экологик шароитларни яхшилаш билан бирга қишлоқ хўжалиги тармоғининг иқтисодий самарадорлиги ва умумий барқарорлигини ошириши мумкин.

НАШР

Муаллифлар:
Инна Руденко, Дженнифер Франц, Джон Ламерс,
барча ZEF илмий тадқиқотчилари. Муҳаррир: Алма ван дер Вин.

* ZUR нинг қисқартмаси: ZEF-UNESCO
Ривожланишлари. ZUR илмий ишланмаларида илмий лойиҳанинг натижалари ва қўлланган усул-усулблари мунтазам равишда чоп этилади.

Тараққиёт Изланиш Маркази томонидан нашр қилинган (ZEF)

Олмония, Бонн университети

Ўзбекистон лойиҳаси офиси

тел: + 49 228 731917 ёки 731865

e-mail: khorezm@uni-bonn.de

Интернетдаги саҳифа: <http://www.zef.de/khorezm.0.html>